

## Олиймақом таваккулчи



22:07 / 09.04.2018 3478

Ҳижрий ўттиз иккинчи сана.

Қудратли Ислом давлатининг пойтахти Мадинаи Мунаввара шаҳри.

Ўша пайтдаги Ислом давлати бошлиғи, халифа Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу шаҳар кўчалари бўйлаб юриб кетмоқдалар.

У киши кечагина одамларнинг қўйини боқиб кун кўрадиган нимжон, пакана ва бечораҳол чўпонча Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг бетоб бўлиб қолганларини эшитиб, ташвишга тушганлар.

*Абу Зобядан ривоят қилинади:*

**«Абдуллоҳ ибн Масъуд ўлим тўшагида ётганида Усмон ибн Аффон кўргани келди ва унга:**

**«Нимадан шикоятинг бор?» деди.**

**«Ғуноҳларимдан», деди.**

**«Нимани хоҳлайсан?» деди.**

**«Роббимнинг раҳматини», деди.**

**«Сенга табиб юборайми?» деди.**

**«Табиб (Аллоҳ) Ўзи касал қилди», деди.**

**«Атоингни беришни буюрайин», деди.**

**«Тириклигимда ўзимни тийдим. Ўлимим олдидан унга ҳожатим йўқ!» деди.**

**«Қизларингга керак бўлар», деди Усмон.**

**«Менинг қизларимнинг камбағал бўлишларидан кўрқяпсанми?! Мен уларга ҳеч камбағаллик етмаслигидан умидворман. Қизларимга ҳар кеча Воқиъа сурасини ўқишни буюрганман. Чунки Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг «Ким Воқиъа сурасини ҳар кеча ўқиса, камбағаллик кўрмайди», деганларини эшитганман», деди».**

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу ўлим тўшагида ётганларида ҳам ҳар бир нарсада Аллоҳ таолога суяниш қандай бўлиши борасида дарс ўтдилар.

***Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф***

*(Рухий тарбия китобидан)*